

Жиддий гайрат, самимий харакат бўлгонда, хар нарсани юкори кўтариш - тугаллатиш мумкин. Бунинг тескарисича, парвосизлик ва дангасалик оркасидан тузуккина бир нарсанинг бузилиб кетиши ва кўтарилаёзгон бир бинонинг кайтадан йикилиб колиши белгиликдир.

«Зарафшон» газетаси ўзининг икки йиллик давоми чогида чексиз гайрат ва меҳнатлар оркасида тугалланиб, бугунги холига келди. «Зарафшон»нинг 1-сони билан бу кунги 200-сонини бир-бирига солиштириб карасангиз, мундарижа ва техника жихатидан ердан кўккача айирма кўрасиз. Бу нимадан бўлди? Очик суратда маълумдирки, бу замон ва турмушнинг талабига мувофик такомул (тугалланиш) томонига интилишдан бўлди.

Лекин хозирги замонимизнинг такососига ва ишчи-деҳкон оммасининг турлиг эҳтиёжларига караганда, «Зарафшон»нинг бу кунги холи хам каноатланарлик даражада эмас. Чунки биз илгари «Сўз ва карор» даврида бўлсак, хозирги вақтда хар бир мақсадни амалга кўйиш давридамыз. Шунинг учун бундай муҳим хавойи сўзлар ва аслсиз, жузъий хабарлар билан ўзбек матбуотини тўлдириш ярамайди. Халкимизнинг хозирги чексиз эҳтиёжи биздан катъий сўз ва фаолият сўрайди.

Биз ўзимиз хамма вақт айтиб турамыз ва иқрор этамызким, матбуот элнинг тили, халкнинг йўлбошчиси ва турмушнинг ойнасидир. Дарвоқе шундайдир. Лекин биз бу гапни билиб туриб ўзимиз шунга керагича амал қилмаймыз. Шунинг учун бизнинг кўп сўзимиздан ва кўп ишимиздан озгина натижа хосил бўлади.

Матбуот, бир ёқдан, халкнинг йўлбошчиси бўлса, иккинчи ёқдан, ҳукуматнинг фикр таркатувчисидир. Шундай экан, ҳукуматнинг сўзларига бизнинг аҳамият беришимиздек, бизнинг дод-фарёдларимизга ҳукумат идораларининг кулок солиши хам керакдир. Холбуки, бу мақсаднинг кўпинча амалга чиқмай колишини кўрамыз. Чунончи, ҳукуматнинг мақсадига мувофик газеталаримиз бир масала хусусида ташвиқ йўли билан хабар ва мақолалар ёзадир. Ва уни ишга ошириш учун тиришадир. Лекин охирида шу ишни вужудга чиқариш йўлида баъзи расмий идоралар ва ёки маъмурлар томонидан парвосизлик воқеъ бўладир. Ёки баъзи вақт газета ўзи бир ишга аҳамият бериб ёзгон нарсасини ҳукумат таъкиб этмай турадур.

Шунинг билан у иш ўзининг тартибсиз холида давом этаберадир. Мана шундай

кўнгилсиз шайлар доим кўриниб турадирким, бундан кейин шунга ҳам диққат этиш ва ниҳоят бериш лозимдир.

«Зарафшон» газетаси бу икки йил ичида ўзини хар жихатдан тугаллатиш учун кўлидан келганича фидокорлик этди. Лекин бу кунгача тил ва шева масаласига керагинча ахамият бермади. Холбуки, бу биринчи навбатда тургон мухим масалалардан бири эди. «Зарафшон» бошкармаси ўзининг икки йиллик даврида бошка нарсалар каторида тилни соддалаштириш йўлида ҳам бир мунча ахамият берса эди, бу кунгача бу тўғрида ҳам зўр муваффакиятларга етишган бўлур эди. Биз газетани халк учун чиқарамиз. Ва хар бир сўзимизни халкка тушунтирмоқчи бўламиз. Газетамизнинг тилини халк англайдир деб ҳам ўйлаймиз. Холбуки, халкимиз газета сўзларининг лоакал 15 фоизини тушунмайдир. Газетамизни ўкиб бутун англайдургонлар эса жуда оздир. Мана шунинг учун ҳам чора кўриш керакдир.

«Зарафшон» идорасига лозимдирким, бу мухим иш учун ҳам керакли тадбирларни кўргай. Хали «Зарафшон» бошкармасида барча материалларни кўздан ўтказиб, уларни тузатадургон муайян бир киши йўқдур. Шунинг учун барча макола ва хабарлар дурустрок тузатилмай, босмахонага юбориладир. Баъзан хеч бир кўрилмай тўғридан-тўғри газетага ўтказилган нарсалар ҳам учрайдир. Энди бундан сўнгра «Зарафшон» бошкармаси шу камчиликни ҳам тўлдирса керакдир. Яна бир масала бордир. Бунга ҳам «Зарафшон» идораси лозиминча ахамият бермай келди. Бу эса хурофотчи мулла ва эшонлар билан каттик суратда курашиш ишидир.

Хали бизнинг ишчи-деҳкон халкимизнинг 95 фоизи деярлик ўшал эскипараст унсурнинг таъсири остида яшайди. Шул сабабдан халкимизнинг кўпчилик кисми янги турмушга, маориф ва маданиятга яхши кўз билан карамайдир. Мана шунинг учун эски турмуш тарафдори бўлгон мулла ва эшонлар билан курашиш керакдир. Булар билан курашиш ёлғиз хажвий журналларимизнинг кулгилик макола ва карикатуралари билан бўлмас. Бунинг учун газеталарнинг ҳамма вақт жиддий танқидлар ёзиб туришлари лозимдир. Хажвий журналларимиз бу тўғрида ўз вазифаларини бажариб турмоқда бўлсалар ҳам, лекин газеталаримиз учун ахамият бермай турадурлар. Шунга ишониш керакки, халкимиз ундай зарарлик унсурларнинг чангалидан кутулмагунча янги турмуш сари бора олмас. Умид этамизки, «Зарафшон» газетаси хар жихатдан юксала бошлагани боис бу камчиликларни тўлдиришга ҳам тиришар.

*«Зарафшон» газетаси, 1924 йил, 27 октябрь*